ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚАТАҒОН СИЁСАТИНИНГ МАТБУОТДА ЁРИТИЛИШИ (1937-1938)

Ж.М.РАСУЛОВ

В статье анализируется освещение в периодической печати сталинских репрессий на примере Ташкентской области в 1937-1938 годах. Приводятся факты о том, что данный процесс находился под пристальным контролем партийных и карательных органов, которые в действительности были подлинными авторами подобных публикаций.

The article analyzes the facts published in the local newspapers of Tashkent region in 1937-1938. The author tries to show that this process was under attentive control of party leaders and the authorities of punitive establishments who were real authors of such publications.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов эл-юртимиз кўп асрлик тарихи давомида кўплаб машъум хатарларни неча бор кўргани, уларнинг жабру жафосини тортганини таъкидлаб, шундай деган: “Ана шу фожеали ўтмиш, босиб ўтган машаққатли йўлимиз барчамизга сабоқ бўлиши, бугунги воқеликни теран таҳлил қилиб, мавжуд таҳдидларга нисбатан доимо огоҳ бўлиб яшашга даъват этиши лозим [1.4].

Мустақиллик йилларида миллатимизнинг тарихий хотираси тўлақонли равишда тикланмоқда, халқимизнинг мустабид тузум давридаги, айниқса, 1937-1938 йиллардаги оммавий қатағон сиёсати қурбони бўлган юртдошларимизнинг аянчли қисматини ўрганиш, номларини тиклаш ва уларнинг хотираларини абадийлаштириш тарих фанининг долзарб масалаларидан бири бўлиб, бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1999 йил 12 майдаги “Қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги фармойишида [2.1] “совет тузуми даврида қатағон қурбонлари бўлган минглаб фидойи инсонлар, шаҳид кетган сиёсий арбоблар, зиёлилар хотирасини абадийлаштириш, ҳаёти ва фаолиятини, бой илмий-ижодий меросини ўрганиш” зарурлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2001 йил майда қабул қилган “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги фармони мазкур мавзуни тадқиқ этиш учун катта имкониятлар очиб берди.

Совет ҳукуматининг оммавий қатағонларни бошлашдан мақсади совет ҳукумати ва сиёсатига қарши бўлган барча кучларни йўқ қилишдан иборат эди.

Асоссиз равишда қатағон қилинганларнинг маълум бир қисмини Тошкент шаҳри ва вилоятининг шаҳар, туманларида яшаган сиёсий арбоблар ва зиёли кишилар ташкил қилган. Бу кишиларнинг қатағон жараёни ўша мудҳиш 1937-1938 йилларда чоп этилган даврий матбуот нашрларида қисман бўлса-да ёритиб борилган. Николай Ежовнинг ташаббуси билан бошланган партия ва ҳукумат аъзолари ичида турли лавозимларда фаолият олиб бораётган кишиларни, “Троцкий, Бухарин тарафдорлари” уларни жазолаш, “халқ душмани” сифатида қоралаш ва айблаш жараёнлари матбуотда энг долзарб мавзулардан бири эди.

Бу мавзуда нашр этилган барча мақолалар партия ва совет ҳукуматининг назорати ва буюртмаси билан чоп этилган. Мақолаларда қоралаб, қатағон қилинган кишиларнинг “халқ душмани” сифатида кўрсатилиши мутлақо туҳмат бўлгани ҳозирги кунда ўз исботини топмоқда.

Мақолаларда халқ оммасини қўрқув, итоатда ушлаш мақсади ҳам кўзланган эди. ВКП(б) Марказий Комитетининг 1937 йил 3 августдаги директивасида матбуотда шаҳар, туманларда “халқ душманлари” устидан ўтказилган очиқ суд жараёнларининг газеталарда ёритиш кўрсатилган эди [3.9]. ИИХКнинг 1937 йил 10 октябрдаги директиваси [3.11-12]да бу борадаги ишларни кучайтириш вазифаси белгиланган.

Бунга қадар “Правда Востока” ва “Комсомолец Узбекистана” газеталарининг 1937 йил сентябрь ойларида газета муҳаррирлари ва таҳририяти “халқ душманларини” фош этишда сустлик кўрсатаётганликда айбланган.

Масалан “Правда Востока” газетаси муҳаррири М.Ҳасанов “Иттиҳод ва Тараққий” ва “Миллий Иттиҳод” каби аксилинқилобий ташкилотларнинг фаолиятини фош этиш бўйича олиб борилаётган ишларни матбуотда ёритмаётганликда [4.1] айбланган. М.Ҳасанов муҳаррирликдан бўшатилиб, ҳибсга олингандан кейин бир қанча муддат бош муҳаррир ўринбосари лавозимида ишлаган С.Черник (3 августдан 12 сентябргача) газета масъул муҳаррири вазифасида ишлайди. 1937 йил 14 сентябрдан Ўзбекистон радиокомитети раиси А.Александровский газета бош муҳаррири этиб тайинланган.

Худди шундай айбловлар “Комсомолец Узбекистана” газетаси муҳаррири лавозимида фаолият кўрсатган Ф.В.Шурыгинга нисбатан ҳам қўлланилади. Муаллифи кўрсатилмаган мақолада [5.1] Ф.Шурыгин “буржуа миллатчилари” тарафига ўтиб, “халқ душманларини” фош қилишга эътибор бермай келаётгани қайд этилган.

Партия элитаси вакиллари орасидан Сталин ва унинг ёрдамчиларига қарши бўлган кишиларни излаб топиш, уларни йўқ қилишни мақсад қилган эди. Бу мақсадни амалга оширишда матбуотдан ҳам фойдаланилди. 1937 йилнинг боши-

даёқ “Троцкий, Бухарин тарафдорлари” ва бошқа партияга қарши бўлган кучларнинг фош қилиниши билан боғлиқ мақолалар “Комсомолец Узбекистана” газетасининг 28,30 январ, 1,4 феврал сонларида чоп этилди. Газетанинг 30 март сонида “Партия фаолиятидаги камчиликлар, троцкийчи ва бошқа иккиюзламачиларни йўқ қилиш” тўғрисидаги Сталиннинг ВКП(б) МК пленумида сўзлаган нутқи чоп этилади. Пленумда сўзланган нутқ тафсилотлари “Правда Востока” газетасида ҳам чоп этилганди [6.1-6]. “Троцкий, Бухарин тарафдорлари”га қарши кураш авж олади. 1938 йилда ҳам “Комсомолец Узбекистана” газетасининг 1,10,12 март сонларида “Троцкий, Бухарин тарафдорлари”нинг фош этилаётгани ҳақидаги мақолалар чоп этилади.

Ўзбекистон ССР Комсомол комитетида фаол меҳнат қилган, кейинчалик “халқ душмани” сифатида айбдор қилинганларни халққа кўрсатишга уринишларнинг матбуотда ёритилиши кўп бор кузатилган. Бу вазифани бажаришда “Комсомолец Узбекистана” газетаси етакчилардан бўлган. 1937 йилнинг 6 октябр, 29 ноябр ва 1938 йилнинг 24 март, 20 сентябрда чоп этилган сонларида Комсомол комитетида фаолият олиб борган юртдошларимизнинг “халқ душмани” сифатида айбланганлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А.Икромов 1938 йилнинг март ойида СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегияси ҳукми билан “халқ душмани” деган сохта айблар билан қатағон қилинган. Бу етук инсоннинг қатағон қилиниши ҳақида кўплаб маълумотлар мавжуд. Аммо А.Икромовнинг қатағон қилинши ҳақидаги маълумотлар ўша давр матбуотида ёритилганлиги ҳақида ҳеч бир тадқиқотда ёритилган эмас. Совет ҳокимиятининг А.Икромовни айбдор қилиб кўрсатишда матбуотдан фойдаланиши халқ оммасида бу шахсга нисбатан нафрат уйғотиш мақсадини кўзлаган.

Масалан, “Комсомолец Узбекистана” газетасининг 1938 йил 1,3.10,12,13 ва 24 мартда чоп этилган сонларида А.Икромовни “халқ душмани” дея айбловлар ва у киши устидан чиқарилган СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегияси ҳукми батафсил берилган. “Правда Востока” газетасида ҳам бу масала ёритилган: 1938 йил март [7.1] ойида “ўнг троцкийчи” гуруҳга аъзоликда айбланган 21 киши устидан СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиясининг суд жараёни, улар устидан чиқарилган ҳукм акс эттирилган. Газетанинг кейинги сонларида суд ҳукмига нисбатан халқ билдирган фикрлар кўрсатилган. Бунгача газетанинг бир неча сонларида ўша 21 киши (улар орасида А.Икромов ҳам бўлган) “Троцкий, Бухарин тарафдорлари”, “буржуа миллатчилари” сифатида гўёки айбдор қилиб кўрсатилган [8.1].

“Правда Востока” газетаси қатағон масаласини ёритишда етакчи бўлган. Газетада чоп этилган мақолаларнинг сони таҳлил қилинганда, икки йил давомида газетанинг ҳар ойда чиққан учта сонида қатағон масаласи ёритилгани кўринади. Баъзан бу ҳолат ортиғи билан бажарилган. Масалан 1937 йилнинг 5,10,12,20,21,22,29 сентябр сонлари, 1938 йилнинг 1,5,9,11,13,15,16,17,30 март сонларида қатағон масаласи ёритиб борилган.

ЎзССР Ер Ишлари Халқ Комиссарияти раҳбари Р.Исломов, шунингдек, ўринбосарлар Е.Зелькина ва И.Данчиклар 1938 йил октябрда СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегияси ҳукми билан “халқ душмани” деган сохта айблар билан қатағон қилинади. 1937 йилдаёқ уларни айбдор қилиб кўрсатиш матбуотда ёритила бошланган. В.Лопухов номи билан имзо чеккан муаллиф ўз мақоласида: “ЎзССР Ер Ишлари Халқ Комиссари Р.Исломов Ўзбекистон Компартияси МКнинг биринчи пленумидаёқ А.Икромов томонидан “амалий ёрдам кўрсатиш учун” қўллаб қувватланади... Р.Исломов раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон Ер Ишлари Халқ Комиссарияти ходимлари Е.Зелькина, И.Данчикларни “троцкийчиликда” [9.2-3] айбланган. Бундай айбловлар қўйилиши совет ҳокимияти бошқаруви даврида табиий эди. Аслида Р.Исломов, Е.Л.Зелькина, И.И.Данчиклар қатағон даври қурбонлари бўлганлиги мустақиллик йилларида ўз исботини топди.

“Тошкент шаҳар партия фаоллари йиғилишининг 1-2-кунларида Ўзбекистон компартияси Марказий Комитети ўз шаънига бундай очиқ танқидларни эшитмаган эди. Ҳозирги кунгача Тошкент партия минбарида Ўзбекистон компартияси Марказий Комитети ва унинг котиби А.Икромов шаънига очиқ-ошкора сўзлар айтилмаган” [10.2] – деб ёзади “Правда Востока” муҳбири А.Александровский. Муаллиф: “Маориф Халқ Комиссарияти, Ер Ишлари Халқ Комиссарияти, Молия Халқ Комиссариятида халқ душманлари ўзларини уйларидагидек ҳис этадилар, чунки улар юқоридан қўллаб-қувватланади” деган фикрларини билдирган. Шунингдек, мақолада А.Каримов, С.Болтабоев ва А.Исломовлар шаънига ҳам туҳмат айбловлар ёзилган.

“Буржуа миллатчилари, троцкийчи жосусларнинг фош этилиши ҳақида “Правда”даги материалларни Ўзбекистон меҳнаткашлари ва коммунистлар катта қониқиш билан қарши олди” – деб ёзган эди бир муаллиф “Правда Востока”нинг 21 сентябрдаги сонида [11.1]. Муаллифи кўрсатилмаган мақолада А.Каримов, А.Исломов, А.А.Цехер, Д.И.Манжаралар халқ душмани сифатида кўрсатилади. Уларнинг фош қилиниши гўёки халқ учун кутилган воқеа эканлиги таъкидланади.

Ўзбекистон ССРда юқори лавозимларида фаолият олиб борган Д.И.Манжара, А.А.Цехер, А.Исломов, фанлар комитети раиси О.Ҳошимов, Маориф Халқ Комиссарияти раҳбари Қаюм Рамазонов, Ўзбекистон компартияси Марказий Комитети аппаратида ишлаган Ж.Усмонов ва Қ.Берегин, Ички савдо Халқ Комиссарияти ходимлари С.Турсунхўжаев ва Д.Юрченко, Тожиев Абдулҳайлар ҳақида “Комсомолец Узбекистана” газетасининг 24 сентябрдаги сонида [12.3] жуда ҳам муҳим бўлган маълумотлар келтирилган. Шунингдек, муаллифи кўрсатилмаган ушбу мақолада “Иттиҳод ва Тараққий”, “Миллий Иттиҳод” ташкилотларининг ташкил этилиши ва босмачилик фаолиятлари ҳақида маълумотлар мавжуд.

Мақолада келтирилган маълумотлардан сиёсий арбобларнинг қайси лавозимларда фаолият олиб боргани ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин. Қатағон қилинган Отажон Ҳошимов ва Қаюм Рамазонов Ўзбекистонда фан ва таълим соҳалари ривожига жуда катта хизмат қилганлар.

Уларнинг ортидан жуда кўплаб илмий ходимлар ва ўқитувчилар ҳам қатағон домига тортилди.

Ўзбекистон мактабларида “қурилиш жараёнлари Маориф Халқ Комиссарияти раҳбарлари Қосим Сорокин ва Кожухов Александрлар раҳнамолигида тўхтатилмоқда... совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий туҳмат ғоялар билан ёзилган ўқув дарсликлари янги ўқув йилига тарқатилган. Уларнинг айби билан минглаб ўқувчилар таъмирланмаган ва мослаштирилмаган биноларда ўқимоқда” [13.1] ,– деган туҳмат фикрлар 1937 йил 8 октябрда муаллифсиз эълон қилинган мақолада берилган. Шунингдек, мақолада: “халқ таълими аксилинқилобий кайфиятда фаолият олиб бораётган педагогларга эътибор бермайди, аксинча, ҳукумат учун содиқ бўлган мактаб директори ва ўқитувчиларни ишдан бўшатиб келади” [13.1],– деб кўрсатилган. Мақолада ёзилган маълумотлардан кўрамизки, халқ таълими вакилларини қатағон қилиш совет ҳукумати учун жуда ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Юқорида зикр қилганимиз А.Цехер, Д.Манжара ва А.Тожиевлар ҳақидаги мақола “Правда Востока” газетасида ҳам чоп этилган. Мақолада шундай ёзилади: “Файзулла Хўжаев, С.Болтабоев, А.Моор, М.Шермуҳаммедов, А.Каримов, Е.Зелькина ва А.Тожиевларнинг барчасига... КП(б) МК котиби А. Икромов раҳнамолик қилиб, бузғунчилик ишларига кўрсатма бериб келади” [14.1]. Мақоланинг чоп этилиши халқ оммасига ўз ватанига содиқ инсонларни душман сифатида кўрсатиш мақсадида бўлган. Бу билан совет ҳукумати ўзбек халқини ўз босими доирасида ушлаб туришга ҳаракат қилган.

И.Худойқулов имзоси билан “Правда Востока”нинг октябрь ойида чоп этилган сонидаги мақолада шундай ёзилади: “... Кожухов, Қосим Сорокин, Тўраевларнинг топшириқларига асосан баъзи мактаб директорлари ўқувчиларнинг ўқитувчи йўқлиги туфайли содир этилган арзимас хатолари учун мактаблардан ҳайдамоқда...Тошкент шаҳри мактабларидан... 2 нафар халқ душмани фош этилди” [15.1]. Шунингдек: “Олий ўқув юртлари профессор ўқитувчилари таркиби душманлардан иборат. 8та педагогик институт директорларидан 5 нафари халқ душмани сифатида фош этилиб ишдан бўшатилди” [15.1] ,– деб таъкидланади. Мақолада Қибрай туманидаги мактаблар ҳақида ҳам фикрлар билдирилган.

Матбуотда медицина ходимларининг қатағонга тортилиш жараёни ҳам ёритилган. “Комсомолец Узбекистана” Медицина институти раҳбари З.Қ.Саттаров ҳақида “Х.Д.” имзосини қўйган муаллифнинг 1937 сентябрдаги мақоласини чоп этади. Мақолада: “Улар медицина соҳасидаги кадрларни тайёрлашга зарар келтиришмоқда. Тошкент медицина институти раҳбари З.Саттаров, унинг яқин ёрдамчилари фаолияти ҳақида комсомоллар бир неча бор партком котибига хабар берганлар. Аммо партком эътибор бермай уларга ён босган” [16.3] ,– деган туҳмат айблар қўйилган.

Маълумки, 1937 йилда Тошкент вилояти Янгийўл тумани партия комитети котиби лавозимида фаолият олиб борган Йўлчи Эгамбердиев Акмал Икромов томонидан фаол ходим сифатида эътироф этилган. Аммо партия ва совет ҳукумати Й.Эгамбердиевни халқ душмани сифатида айблаб қатағон қилган. Й.Эгамбердиев устидан суд жараёни 1937 йилда чоп этилган газеталарнинг октябрь ойидаги сонларида ёритилди. Хусусан “Правда Востока”нинг 4 октябрь сонидаги муаллифи кўрсатилмаган мақолада шундай ёзилади: “2 октябрда Ўзбекистон ССР Олий Суди Коллегиясининг сайёр йиғилиши суди олдида аксилинқилобий миллатчи тўда туради... колхоз тузуми ва совет ҳокимиятига қарши... уларнинг бошида халқ душмани А.Икромов томонидан тайинланган Янгийўл туман партия комитети котиби Йўлчи Эгамбердиев турган” [17.1]. Шунингдек, мақолада Йўлчи Эгамбердиевнинг колхозни йўқ қилиб, империалистик тузумга қайтармоқчи эканлиги, унинг топшириғи билан колхозга зиён келтириш ишлари олиб борилганлиги ҳақида туҳмат айблар ифодаланади.

Янгийўл туманидаги бу ҳолат ҳақида “Комсомолец Узбекистана” газетасида ҳам ёзилади. Мақолада Й.Эгамбердиевни босмачи, қўпорувчи, иккиюзламачи сифатида қоралаб кўрсатилган. Й.Эгамбердиевнинг мададкор ҳимоячиси сифатида А.Икромов эътироф этилади. Мақолада суд жараёни 7 кун давом этгани айтилади [18.1].

Янгийўл туманидаги ЎзССР Олий Суди сайёр йиғилиши суд жараёни ва унинг якунлари ҳақида “Правда Востока” газетасининг 8 октябрь[19.3] ва 10 октябрь [19.2-3] сонларида Л.Сливкин, А.Завертяев имзоси билан мақолалар чоп этилади. Уларда Й.Эгамбердиев устидан чиқарилган ҳукм акс этган. Бу ҳақда батафсил кейинги мақолларимизда тўхталиб ўтамиз.

Дарҳақиқат, юқорида номлари келтирилган сиёсий, давлат, хўжалик ташкилотлари раҳбарлари ва ходимларининг СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегияси томонидан ҳукм қилиниб қатағон қилингани катта фожеадир.

Юқорида келтирилган мақолаларда номлари зикр этилган юртдошларимиз СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиясининг 1938 йил март ойида Москвада ва октябрда Тошкентда бўлиб ўтган сайёр йиғилишларида олий жазога ҳукм қилинганлар. Қатл этилганлар орасида давлат ва жамоат арбоблари, адабиёт ва тиббиёт вакиллари, зиёлилар бор эди.

Қатағон қилинган таниқли кишиларни суд қилиш жараёни ва уларга қўйилаётган айбловларни халқ оммасига матбуот орқали етказиш, бу билан халқ орасида уларга нисбатан нафрат хиссини уйғотиш совет ҳукуматининг асосий мақсади бўлган. Шу йўл билан босим, тазйиқ ўтказиб, ҳокимиятни қўлида ушлаб туриш большевикларнинг ғояларидан бири эди.

Матбуотда чоп этилган улар ҳақидаги маълумотлар уйдирма, қатағонга тортиш учун ўйлаб топилган бир баҳона эканлиги бугунги кунга келиб ўз тасдиғини топди. Коммунистик режим шу йўл билан мамлакатдаги ҳар бир миллатнинг энг илғор зиёли қисмини, мустабид тузум моҳиятини тушуниб етадиган қисмини йўқотишга ҳаракат қилди. Бу қабиҳликни амалга оширар эканлар, улар аввал ўз кабинетларида ўтириб ўнлаб сохта “аксилинқилобий ташкилотлар”ни ўйлаб топдилар ва уларни “фош этиш”га киришдилар, гўёки улар империалистик давлатларнинг жосуслари бўлган эмиш. Шундай ташкилотлар жумласига А.Икромов ва Ф.Хўжаевлар бошчилигидаги “Буржуа-миллатчилик аксилинқилобий

ташкилоти маркази"; республика комсомоли МҚ котиби И.Ортиқов раҳбарлигидаги "Ёшларнинг буржуа-миллатчилик ташкилоти" эди [20.323]. Бундай сохта ташкилотлар совет ҳокимиятининг жазо органлари томонидан ўйлаб топилган бўлиб, аслида эса бундай аксилинқилобий ташкилотлар республикада бўлмаган.

Юқорида номлари келтирилган барча юртдошларимиз Ўзбекистоннинг истиқлолга эришиши учун меҳнат қилиб яшаганлари ва бунинг учун жонини фидо қилганлари таҳсинга лойиқ. Истиқлол учун курашган ватандошларимизнинг номларини абадийлаштириш бугунги кун тадқиқотчилари учун долзарб масалалардан бири бўлмоғи лозим.

Адабиётлар:

1. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008.
2. Халқ сўзи. -1999.- 13 май.
3. «Большой террор»: 1937–1938. Краткая хроника* *Составители Н Г.Охотин, А.Б Рогинский.* http://www.memorial.krsk.ru/Articles/2007HrBT.htm.
4. Исправить грубейшие политические ошибки // Правда Востока.- 1937.- 5 сентября.
5. Беспощадно выкорчевать всех и всяких врагов народа.// Комсомолец Узбекистана.- 1937.- 14 сентября.
6. О недостатках партийной работы и мерах ликвидации троцкистских и иных двурушников. // Правда Востока.- 1937.- 29 марта.
7. Процесс антисоветского "право-троцкистского блока". Приговор. // Правда Востока.- 1938.- 13 марта, 15 марта, 16 марта, 17 марта.
8. "Ўнг троцкийчи блок" аъзоси деб топилган 21 киши устидан чиқарилган ҳукм. // Правда Востока.- 1938.- 1 март,3 март 5 март, 9 март.
9. Лопухов В. Никакой пощады врагам народа, их пособникам и покровителям. // Правда Востока.- 1937.- 10 сентября.
10. Александровский А. Собрание партийного актива ташкента. // Правда Востока.-1937.- 12 сентября.
11. Выкорчевать все остатки контрреволюционных националистов, троцкистско-правых шпионов. // Правда Востока.- 1937.- 21 сентября.
12. Враги узбекского народа пойманы с поличным.// Комсомолец Узбекистана.- 1937.- 24 сентября.
13. Ликвидировать последствия вредительства в школах Узбекистана. // Комсомолец Узбекистана.- 1937.- 8 октября.
14. Беспощадно громить врагов народа. // Правда Востока.- 1937.- 29 сентября.
15. Быстрее ликвидировать последствия вредительства в органах народного просвещения. // Правда Востока.- 1937.- октябрь.
16. Как враги народа орудовали в медицинском институте. // Комсомолец Узбекистана.- 1937.- 26 сентября.
17. Враги Узбекского народа. // Правда Востока.- 1937.- 4 октября.
18. Враги Узбекского народа получили по заслугам. // Комсомолец Узбекистана.- 1937.- 10 октября.
19. Сливкин Л., Завертяев А. Процесс контрреволюционной вредительской банды буржуазных националистов в Янги-юле. // Правда Востока.- 1937.- 8-10 октября.
20. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида.- Т., Шарқ, 2000.

Андижон давлат университети,
2012 йил 16 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)